



## **УЙ ЖОЙНИ ФОНДИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФА ВА МАҚСАДЛАРИ**

*Toshkent Davlat Transport Universiteti Katta o'qituvchi:*

**Sabirova Shoista Mirayupovna**

*telefon: +998(97)1577675*

*sabirovashoista@gmail.com*

**Аннотация:** Уибу мақолада уй-жой фондини бошқариши тизимининг асосий вазифа ва мақсадлари кўриб чиқилади. Уй-жой фондини самарали бошқариши, уни сақлаш, таъмирлаш, фойдаланиши ва ривожлантиришига оид чора-тадбирлар таҳлил қилинади. Шунингдек, уй-жой фондини яхшилашга қаратилган чоралар, муҳандислик-коммуникация тизимларини тақомиллаштириши, қонуний базани мустаҳкамлаш ва аҳоли билан ишлаш механизмлари ҳақида маълумотлар берилади.

**Калит сўзлар:** Меъёрий-хукуқий, уй-жой мулкдорлари, ўзини ўзи бошқариши.

“Уй-жой фондини бошқариш” тушунчаси уй-жой объектларининг самарали сақланиши, хизмат кўрсатилиши ва таъмирланишига доир барча ишларни ўз ичига олади. Бу жараён давлат ва хусусий секторлар орасида қўйидаги асосий жиҳатларни ўз ичига олади:

- Техник ва хукуқий база** Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси, «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисидаги» қонун ва бошқа меъёрий-хукуқий хужжатлар уй-жой фондини бошқаришнинг асосий принциплари ва тартибини белгилайди.

- Рўйхатдан ўтказиш ва инвентаризация** Уй-жой фондига киритиладиган объектлар (уйлар, квартиралар, хизмат тураг жойлари ва ҳоказо) давлат кадастри орқали рўйхатдан ўтказилади. Техник ҳолатни мунтазам назорат қилиш ва инвентаризация ўтказиш орқали

уй-жой объектларининг қиймати, сифати ва эксплуатация ҳолати баҳоланади.

• **Хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш** Фонд объектлари га доир техник хизматлар, профилактик таъмирлаш ва капитал таъмирлаш ишлари белгиланган стандартлар асосида амалга оширилади. Бу жараёнда мулкдорлар, ижарага олувчилар ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасида шартномалар тузилади.

• **Молиявий ва ташкилий механизмлар** Муносиб турар жой шартлари, коммунал хизматлар ҳақи ва мулкдорлар орасидаги умумий харажатлар тўлови тартиби маҳсус белгиланади. Давлат, маҳаллий ҳокимият органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари биргаликда уй-жой фондини бошқаришнинг муентазам ҳисобдорлигини таъминлайди.

• **Ўзини ўзи бошқариш ва очиқлик** Бошқариш усулининг бир қисми фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини ташкил этиш ва мулкдорлар орасида очик ва шаффоғ қарорлар қабул қилиш принциплари га асосланган.

Уй-жой фондини бошқаришнинг мақсадлари:

1. Аҳолини сифатли уй-жой билан таъминлаш – турар жой фондини модернизация қилиш ва ривожлантириш.
2. Уй-жой фондини самарали бошқариш – фонддан оқилона фойдаланиш ва унинг узлуксиз эксплуатациясини таъминлаш.
3. Муҳандислик-коммуникация тизимларини яхшилаш – сув, газ, электр ва иссиқлик таъминоти тизимларининг барқарор ишишини таъминлаш.
4. Экологик барқарорликни таъминлаш – энергия тежамкорлик технологияларини қўллаш ва яшаш мұхитини яхшилаш.
5. Конуний базани такомиллаштириш – уй-жой фондини бошқариш бўйича хуқуқий нормаларни такомиллаштириш.

Уй-жой фондини бошқариштеп асосий вазифалари:

- Уй-жой фондини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобини юритиш.
- Таъмиrlаш ва сақлаш ишларини ташкил этиш.
- Ижара муносабатларини тартибга солиш.
- Коммунал хизматлар сифатини назорат қилиш.
- Реконструкция ва модернизация ишларини амалга ошириш.
- Аҳоли билан ишлаш ва мурожаатларини ҳал этиш.

### **Хулоса**

Уй-жой фондини бошқаришнинг мақсади – уй-жой обьектларининг узоқ муддатли самарадорлигини таъминлаш, техник ҳолатини яхшилаш ва аҳолига қулай, хавфсиз ва сифатли яшаш шароитларини яратишидир.

Уй-жой фондини бошқариш тизими аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, тураг жойларни сақлаш ва ривожлантириш, шунингдек, коммунал хизматлар сифатини оширишга қаратилган. Бу тизим самарали ишлаши орқали шаҳар инфратузилмасининг барқарор ривожланишига хисса қўшади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

- 1 O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 24.05.2022 yildagi PQ-257-son
2. Shoista, S., & Islomovna, M. F. (2023). Hydrostatics, Forces Acting on Liquids. Miasto Przyszlosci, 33, 34-36.
3. Mirayupovna, S. S. (2023). SUVNI IST ‘EMOLCHILARGA UZATISHDA GIDRO ZARBALARINI BARTARAF ETISH CHORALARI TO‘G‘RISIDA. Journal of new century innovations, 43(4), 149-152.
4. “Transport ob’yektlarida yong’inga qarshi suv ta’minoti”. Darslik. U. Baxramov, Sh.M.Sabirova. TDTU, T. : 2021, 209 bet.